



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36  
 @moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)  
[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-  
сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 раками билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) ..... 4

#### Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

#### Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби ..... 20

#### Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

#### Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

#### Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

#### Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

#### Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

#### Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) ..... 70

#### Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

#### Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

#### Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

#### Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

#### Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

#### Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

#### Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari ..... 130

#### Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

Elyorjon S. SAMINOV,  
Doctoral student of the International Islamic  
Academy of Uzbekistan.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail:[e.saminov@brmnnt.uz](mailto:e.saminov@brmnnt.uz)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/8

## РАДИКАЛИЗМ – ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ЭЛТУВЧИ СҮНГИ БОСҚИЧ

### RADICALISM IS THE LAST STAGE LEADING TO EXTREMISM AND TERRORISM

#### РАДИКАЛИЗМ - ПОСЛЕДНЯЯ СТАДИЯ, ВЕДУЩАЯ К ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ

#### КИРИШ

XXI аср ахборотлашган жамиятда халқаро вазиятлардаги турфалик, хавфсизликка таҳдидлар доирасининг кенгайиши, хусусан, экстремизм, радикализм ва халқаро терроризмнинг кучайиши билан ўзига хос аҳамият касб этди. Сўнгги 10 йил давомида экстремизм ва терроризм туфайли дунё иқтисодиёти 583 триллион АҚШ доллари миқдорида заарар кўрган бўлса, 15 йил ичida 95 мингдан зиёд инсон террорчилик оқибатида ҳалок бўлгани юқоридаги фикрларнинг амалий ифодаси сифатида далиллаш мумкин. Ҳозирги кунда, ижтимоий гурухлар ва шахсларнинг дин омили доирасида радикаллашув жараёнлари дифференциал ҳамда идентиклик иерархиядан катъи назар, жамиятда ўз аксини топмоқда. Шу маънода экстремизм ва терроризм профилактик амалиёт механизmlарини доимий такомиллаштириш, бузғунчи мафкура ва гоялар тарафдорларининг дерадикаллашуви ва қайта ижтимоийлашуви масалалари нафақат давлатнинг, балки фуқаролик институтлари, ўқув юртлари, қоловерса, бутун жамиятнинг вазифасидир. Бу эса, ўз навбатида, юқорида қайд этилган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш борасида замонавий усулларни ишлаб чиқиш, радикал харакатларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган, фанлараро методологик далилланган тадқиқот хulosаларига асосланган технологияларга заруратни келтириб

чиқармоқда. Бузғунчи мафкураларга қарши самарали курашиш учун инсон руҳияти ва шуурига оид фанларни чуқурроқ ўрганиш, жумладан, маълум бир шахснинг радикал гурухларга қўшилиб қолишига сабаб бўлувчи шароитларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Тадқиқотчилар фикрича, радикализм бу – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич бўлиб, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятга таҳдид солмоқда, хусусан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. Зеро, бу нафақат маҳаллий ёки минтақавий муаммо, балки вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари, мақсад, вазифалари, ташкилий тузилиши, фаолияти, психологик ҳамда ижтимоий шакллари жиҳатидан глобал ҳодисага айлангани амалиётда ўз аксини топган.

Глобаллашув жараёнлари ва улар билан боғлиқ турли хил маданий қадрият ва муносабатлардаги зиддиятлари экстремизм ва терроризмнинг кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Замонавий жамиятларда туб ижтимоий-маданий ўзгаришлари рўй бериб, нигилизм, истеъмол маданияти ва инсоннинг роҳат-фароғатда яшашга интилишларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ дунёқарашдаги мураккаб ўзгаришларни келтириб чиқармоқда.

Экстремизм ва терроризмнинг ўзига хос белгилари глобаллашув жараёнлари ва турли маданий қадрият ва қарашлар ўртасидаги зиддият ва тўқнашувларда намоён бўлмоқда. Замонавий жамиятларда нигилизм, яъни жамият қонун-коидаларининг мутлоқ инкор этилиши ва истеъмол маданиятининг кучайиб бориши ва инсоннинг хузур-ҳаловатда яшашга ҳаддан зиёд берилиш билан боғлиқ дунёқарашларда жиддий ўзгаришлар келтириб чиқарувчи мураккаб ижтимоий-маданий жараёнлар рўй бермоқда.

Бундай шароитда вазият терроризм ва зўравон экстремизмга қарши курашища уларни юзага келтирувчи омиллар ва туб сабаблар ёки инсонни радикал хатти-харакатлар содир этишга ундовчи бузғунчи кучларнинг фавқулодда ўзига хос хусусиятларни пухталик билан ўрганишни тақозо этмоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур муаммони тадқиқ этиш натижалари радикаллашув ва терроризмга олиб келувчи зўравонлик экстремизм омилларининг маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро даражада бирбирига ўхшаплигини, улар турли мамлакат ва минтақаларда баъзан беихтиёр ва баъзида турли ташки таъсирлар натижасида намоён бўлишини кўрсатмоқда.

**Аннотация.** Мақолада экстремизм ва радикалашувга олиб келган омилларни олдини олии ва дерадикализацияни кучайтириши шунингдек, экстремистлар глобал иқтисодий тенгисизликнинг кучайиб бориши ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизим туфайли юзага келган адолатсизлик туйгусидан усталик билан фойдаланиши, қамоқ шароитидаги маҳкумлар орасида ислом фундаментализми гояларининг кенг тарқалиши ёритилган.

Жумладан, радикал мағкурага асосланган хатти-ҳаракатлар содир этгани учун судланганлар сонининг қўпайиши, илгари экстремизмда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни ва ижтимоий жиҳатдан изоляция қилинган жойларда радикал мағкура тарафдорларини радикалашувдан қайтарши ва БМТнинг Аксилтеррор қўмитаси ва боиҳа тузулмаларининг миллий амалиётда қўлланиши мумкин бўлган зўравон экстремизм ва терроризмга қарши курашии борасидаги тажрибаси, Араб давлатлари лигаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар нодавлат тузулмалар орқали оммавий қирғин қуролларига эга бўлишининг олдини олишига қаратилган.

Шунингдек, минтақадаги бекарорлик ва террорчилик ҳаракатларига сабаб бўладиган ҳолатларга эътибор қаратилаётганлиги, Европа Иттифоқининг радикалашув ва террорчи гурухлар таркибига ёллаша қарши кураши стратегиясини амалга ошириши тажрибаси, ижтимоий реабилитация қилиши дастурларини ишлаб чиқши борасида Сингапур, Дания, Швеция, Саудия Арабистони тажрибаси мисолида илмий ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** ҳавфсизлик, таҳди, экстремизм, радикалашув, терроризм, ҳалқаро терроризм, сиёсий радикализм, дерадикализация, миграция, гоя, мағкура, ҳалқ, давлат, жамият, таҳди, жаҳолат, маърифат.

**Abstract.** The article highlights the prevention of factors that lead to extremism and radicalization and the strengthening of de-radicalization, as well as the fact that extremists skillfully use the sense of injustice caused by the growing global economic inequality and the existing socio-economic and political system, and the widespread spread of Islamic fundamentalism ideas among prisoners in prison conditions.

In particular, attention is paid to an increase in the number of people convicted of acts based on radical ideology, de-radicalization of persons previously convicted of extremism and sentenced to prison terms and adherents of radical ideologies in socially isolated areas, the experience of the UN Counter-Terrorism Committee and other bodies in countering violent extremism and terrorism that can be applied in national practice, and the fact that Arab League and Organization of Islamic Cooperation member states acquire weapons of mass destruction through non-governmental organizations.

The article also highlights the following: the fact that attention is being paid to the circumstances that cause instability and terrorist acts in the region and the experience in the implementation of the EU strategy to combat radicalization and recruitment into terrorist groups. Also, the experience of Singapore, Denmark, Sweden, and Saudi Arabia regarding the development of social rehabilitation programs is scientifically explained.

**Keywords:** security, threat, extremism, radicalization, terrorism, international terrorism, political radicalism, deradicalization, migration, idea, ideology, nation, state, society, threat, ignorance, enlightenment.

**Аннотация.** В статье освещается предотвращение факторов, ведущих к экстремизму и радикализации и усиление дерадикализации, а также то, что экстремисты умело используют чувство несправедливости, вызванное растущим мировым экономическим неравенством и сложившейся социально-экономической и политической системой, широкое распространение идей исламского фундаментализма среди заключенных, содержащихся в условиях лишения свободы.

Уделено внимание на резкое увеличение числа лиц, осужденных за преступные деяния, основанные на идеологии радикализма, дерадикализация лиц, ранее судимых за экстремизм и осужденных к лишению свободы, и сторонники радикальных идеологий в социально изолированных районах и опыт Контртеррористического комитета ООН и других структур в борьбе с насильтвенным экстремизмом и терроризмом, который может быть использован в национальной практике, предотвращение приобретения оружия массового уничтожения негосударственными субъектами в Лиге арабских государств и Организации исламского сотрудничества.

Также освещены опыт Европейского союза по реализации стратегии противодействия радикализации и вербовке в террористические группировки, опыт Сингапура, Дании, Швеции и Саудовской Аравии по разработке программ социальной реабилитации.

**Ключевые слова:** безопасность, угроза, экстремизм, радикализация, терроризм, международный терроризм, политический радикализм, дерадикализация, миграция, идея, идеология, нация, государство, общество, угроза, невежество, просвещение.

Шу жиҳатдан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизmlарини шакллантириш, уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизmlарни такомиллаштириш ва амалга ошириш масалаларига устувор ўрин берилганлиги юқоридаги фикрларга яққол далил бўла олади (Ўз. Рес. Президенти фармони).

Зеро, давлатни ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналиши бу мамлакатнинг барқарор ривожланишини, фуқароларнинг эркин ва фаровон турмуш кечиришларини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга йўллаган Мурожаатномасида радикализм ва экстремизм мавзусига алоҳида тўхталиб, “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур” (Ш.М.Мирзиёев, мурожаатнома, 2022) деган фикрлари мазкур муаммо ечимининг асосидир.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, радикализм кўпинча инқирозли, тарихий ўтиш даврида, жамият ёки унинг айрим қатламлари ва гурухларида кескин тафовутнинг мавжудлиги, анъаналари ва одатий услубига таҳдид мавжуд бўлганда юзага келади.

Маълумки “радикал” сўзи – лотинча “radix” яъни, “илдиз” сўзидан олинган бўлиб, “қатъий ва кескин чоралар, ҳаракатлар, дастурлар тарафдори” деган маъноларни англатади. Мавжуд давлат тузумини танқид остига олиб, радикал ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўтказишни талаб этувчи сиёсий оқимдир.

Радикаллашув – бу одамлар ёки гурухларнинг сиёсий, экстремизмга берилиш жараёни (Материалы Всероссийской научно-практической конференции, 2019) хисобланади.

Радикализмнинг психологияк талқинлари ҳам мавжуд бўлиб, баъзап тўғридан-тўғри сиёсий жараёнларни сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг психологик механизми сифатида талқин қилинади. Мақсадга эришиш учун қатъий ва муросасиз ҳаракатларни ўз ичига олиб, мақсадга эришиш учун экстремал воситаларга амал қиласди (<https://golyanovo.mos.ru/law-enforcement-and-security/countering-extremism/detail/4249778.html>).

Аксарият ҳолларда “радикализм” атамаси “экстремизм” тушунчасининг деярли синоними сифатида ишлатилсада бу тушунчалар ўртасида маълум бир фарқ бор. Экстремизмдан фарқли ўлароқ, радикализм, биринчи навбатда, маълум ғояларнинг мазмуни бўлиб, иккинчидан, уларни амалга ошириш усусларига боғлиқ. Экстремизм эса, биринчи ўринда кураш усуслари ва воситаларига эътибор қаратади, ғояларни иккинчи ўринга қўяди.

Бундан ташқари, радикализм одатда ғоявий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ўта йўналтирилган ташкилотлар, партиялар ёки партиялар фракциялари, сиёсий ҳаракатлар, гурухларнинг мағкуравий йўналиши ва ифода даражасини баҳолайди. Унинг бир неча турлари бўлиб, масалан сиёсий радикализмнинг энг кескин кўриниши экстремал қарашлар ва усусларга амал қилувчи экстремизм кўринишида акс этади ва сиёсий курашда зўравонлик, куролли – оммавий террорни кўллашда ўз ифодасини топади.

Шу нуқтаи назардан, радикализмнинг замира, биринчидан, мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликка салбий муносабат турса, иккинчидан, реал вазиятдан чиқишининг ягона йўли деб тан олиш ётади.

Экстремизм – ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишига қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодасидир (Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” қонуни. <https://lex.uz/docs/3841957>), дейилади Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” қонунида.

Амалий натижа сифатида шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур масалада диндан ниқоб сифатида фойдаланишга уринишлар ривожланиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Хусусан, диний эътиқодий тушунчаларни нотўғри талқин

этиш орқали дунёning турли миңтақаларида босқинчилик, қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини содир этиш ҳолатлари авж олиши, миллатларо ва динларо адоват, миллатчилик ҳамда диний айрмачилик кайфиятининг шаклланишига замин яратмоқда. Натижада узок йиллар давомида тинч-осуда ривожланиш йўлида бўлган жамиятлар пароканда бўлиб, аҳоли урушлар гирдобида қолиб кетмоқда.

Экстремистик ғоялар таъсиридаги шахсларга оид таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларнинг жамиятдаги турли масалаларда ечимини топмаган қарашлари ва ижтимоий муаммолари, одамларга нисбатан радикал қараш ҳамда муносабатни шакллантирган. Шу каби фикрловчиларнинг инсонлар орасида ортиши диструктив фаолиятга туртки бўлиб, юқоридаги салбий оқибатни келтириб чиқарган.

Шу билан бирга нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ҳамда илмий тадқиқот марказлари ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириши дастурларига эътибор қаратганда биринчилардан бўлиб, радикаллашувга олиб келган омилларни олдин олиш ва дерадикализацияни кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шунинг учун ҳам шахсни жамиятга қайта мослаштиришда дерадикализациянинг аҳамияти мухим ҳисобланади. Ҳалқаро миқёсдаги ташкилот ва эксперторларнинг фикрича, дерадикализацион механизмларни амалиётга татбиқ этишдан олдин радикаллашувга олиб келадиган омилларини ўрганиб, бартараф этиш лозимлигини таъкидлайдилар. Чунки радикал қарашдан қайтиб ижтимоийлашган шахсда, радикаллашувга сабаб бўлган ҳолатлар муҳити бўлса ёки такрорланса, дерадикализациянинг самарадорлиги пасаяди.

Дерадикализация – жамиядаги радикаллашган шахсларни бирлаштиришга қаратилган ва радикаллашувини олдини олишга бўлган амалий ҳаракат ҳисобланаб (<https://rm.coe.int/1680719e1c>, 2015), радикаллашув профилактикаси дейилса хато бўлмайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жамият орасида радикаллашувга сабаб бўлувчи бир қатор омиллар бўлиб, қуйидагиларда ўз аксини топади:

- жамият орасида ижтимоий масалаларда эътиrozларнинг кўпайиши;
- ишсизлик ва миграция;
- билимсизлик;
- иқтисодий омиллар;
- ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерлардаги салбий ахборот оқими;
- диний масалаларда камситилишнинг вужудга келиши кабилар.

Бундан келиб чиқиб, дерадикализация масаласида сўз юритганда аввало радикаллашув сабаблари ўрганилади. Бундай ҳолатлар ижтимоий муҳитда асосан диний бўлмаган ҳолатлар таъсирида вужудга келиши, Жанубий-шарқий Осиё тадқиқот марказлари тадқиқотларида далилланган.

Масалан, Сингапурдаги “Сиёсий зўравонлик ва терроризмни тадқиқ этиш ҳалқаро маркази” таҳлилчиси А.Боситнинг таъкидлашича, ёшларни радикаллаштириш ва жангари гурухларга ёллашда экстремист “диний арбоблар”нинг воситачилик роли катта бўлиши ҳамда инсон психологияси, диний қарашлари орқали инсон қалбидаги энг қадрли туйғуларнинг ўзгаришига сабаб бўлган ҳолда, турли экстремист гурухларга ёллаб берган (Rehman B., 2019).

Шахснинг жамиятга ижтимоийлашувида юқоридаги масалалар эътиборидан аввало сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий муаммолар сабабли аҳоли, айниқса, ёшлар орасида радикализмга ҳайриҳоҳлик билдириш ҳолатларининг профилактикаси энг асосий омил сифатида қайд қилинган.

Чунки шахснинг радикал ғоялар таъсирига тушмаслиги унинг дерадикализация қилинишига ҳожат қолдирмайди. Мазкур ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни барча масъул ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб, бартараф этиши, давлатнинг тинчлик ва осойишталигини янада мустаҳкамлашга замин яратади.

Шунингдек, экстремизм ва терроризм профилактикаси, бузғунчи мафкура ва ғоялар тарафдорларини радикаллашувдан қайтариш ва ижтимоийлашув каби масалалар нафақат давлатнинг, балки фуқаролик институтлари, ўқув юртлари ва бутун жамиятнинг асосий вазифасидир. Бу эса, ўз навбатида, юқорида қайд этилган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш борасида замонавий усулларини ишлаб чиқиш, радикал ҳаракатлар билан ишлашнинг илмий асосланган технологияларини яратиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Кенг жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали диний оқимларнинг бузғунчи мақсадларидан ҳабардор қилиш, шунингдек, радикал оқим вакиллари билан муаммони бартараф этишга қаратилган сұхбатлар, мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишнинг самарали воситаларидан ҳисобланади.

Шу ўринда тегишли миллий дастурларни яратиш, доимо янгилаб, методик бойитиб,

уни изчил амалга ошириш ахборотлашган жамиятпинг жадаллашган оиг индустриясипинг салбий оқибатларининг олдини олишда мұхим аҳамият касб этади. Масалан, хорижий тажриба – Дания давлатида Жазони ижро этиш бошқармаси томонидан жазони ўтаётган маҳбусларни радикаллашувдан қайтариш лойиҳаси амалга оширилиб, “Радикаллашувдан ортга қайтиш йўли” деб номланган дастур асосида (Deradicalisation – Back in track) радикалларни ёки диний экстремистик оқимга мансуб маҳбусларини радикаллашувдан қайтаришга қаратилган (<http://www.cer-probation.org/backon-track> (дата обращения: 03.03.2017)). 2012 йилдан бошлаб, ушбу лойиҳа доирасида, Даниянинг Ижтимоий ишлар масалалари ва интеграция вазирлиги пенитенциар хизмат билан биргаликда “мураббийлик институти” лойиҳасини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказди. Мураббийлик усули, хусусан, миллати, сиёсий қарашлари сабабли кучли нафрат билан содир этилган жиноятларда айбланган ёки судланган маҳбусларга қаратилган (The challenge of extremism //Examples of deradicalisation and disengagement programmes in the EU). 2013 йилда маҳфий хизмат қамоқхона ходимлари учун маҳбуслар орасида экстремистларни аниқлаш бўйича тавсияларга оид кўлланма ишлаб чиқариб, кўллагани ҳам дерадикализмнинг назарий асосига хизмат қиласди.

Саудия Арабистони ҳукумати томонидан ўнлаб мамлакатларнинг экстремизмда гумон қилинган фуқароларини қабул қиласиган марказ фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказнинг реабилитация дастури кенг қамровли бўлиб, у психологик ёрдам, диний таълим, шунингдек, жамиятга қайта қўшилиш ва оилаларни бирлаштириш каби масалаларни ўз ичига олади. Саудия Арабистонида қамоқ жазосини ўтаётганлар ушбу дастур доирасида Исломий жиҳод назарияси, мусулмон жамоасидан чиқариб юбориш қоидалари, мусулмон бўлмаганларга муносабат каби мавзуларни ўрганадилар. Шунингдек, ҳукумат радикалларни реабилитация қилиш учун 7 та йирик марказ қуришни режалаштираётганини эълон қилди. Бундай марказлардан озод қилинганидан кейин собиқ жангарилар ҳукуматдан таълим олиш, иш топиш, уй ва машина сотиб олишда ёрдам оладилар. Усул самарали бўлиши мумкин, аммо ўта қиммат бўлиб, экстремистлар кўп бўлган мамлакатда уни амалга ошириш жуда қийин ҳисобланади ([www.mignews.ru/news/society/world/090308\\_233218\\_03753.html/](http://www.mignews.ru/news/society/world/090308_233218_03753.html/)).

Швецияда эса, радикаллашувга мойил шахсларни аниқлаш бўйича иккита асосий йўналиши мавжуд.

Биринчи йўналиш, қамоққа олинмасдан аввал радикал ғояларни тарқатиб юрганлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи йўналиш, диний экстремизм таъсирида қолиш хавфи бўлган маҳбуслар билан бевосита ишлаш чораларини ўз ичига олади.

Хавфли маҳбусларни аниқлашнинг асосий жиҳати қамоқхона муассасаларига янги қабул қилинган барча маҳкумлар тўғрисида маълумот тўплашдир (уларнинг жиноий тарихи ва суд ҳукмини таҳлил қилиш, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан маълумот алмашиш ва бошқалар). Шу билан бир қаторда, маҳбусларнинг радикаллашув даражасини аниқлаш масалаларида маҳсус тарбиявий дастурлар кенг кўлланилади. Радикаллашувдан қайтариш дастури “хавфсизликни таъминлашнинг ўзгарувчан тизими” деб номланган бўлиб, у қамоқхона ходимлари томонидан “мижоз” - маҳбусларнинг хатти-ҳаракатларини доимий равишда кузатиб боришидан иборат. Ушбу ишнинг мұхим қисми – маҳбусларнинг ташқи дунё билан ҳар қандай алоқасини синчковлик билан назорат қилиш: мактублар, телефон орқали суҳбатлар, ташриф буюрувчилар билан учрашувлар ва бошқалар. Мамлакатдаги қамоқхона ходимлари маҳбусларнинг радикаллашуви даражасини аниқлаш усулларига ўргатилади.

Хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг баъзилари озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган маҳкумларнинг қайта ижтимоийлаштириш бўйича етарли тажрибага эга. Чет эл пенитенциар (Салаев С.) тизимлари ўз фаолиятларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, маҳкумларга муносабат қоидаларига бевосита таъсир кўрсатадиган талабларга асосланади (Куркина И., 2011).

Ушбу халқаро ҳужжатлар қўйидагилардан иборат: 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил); Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенция (1984 йил); БМТ маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (1955 йил) ва бошқалар.

Сўнгги ўн йилликда глобал миёсда кенг тарқалгап жипоий экстремизмниг памоёп бўлиши, шунингдек, қамоқ шароитидаги маҳкумлар орасида ислом фундаментализми ғояларининг кенг тарқалиши, жумладан, радикал ислом мафкурасига асосланган зўравон хатти-харакатлар содир этгани учун судланганлар сонининг кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, илгари диний экстремизмда айбланиб, қамоқ жазосига хукм қилинган шахсларни ва ижтимоий жиҳатдан изоляция қилинган жойларда радикал мафкура тарафдорларини радикалашувдан қайтариш ва ижтимоий реабилитация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш долзарблигидан далолат берилмоқда.

Мазкур вазифани амалга оширишда чет эл тажрибаси ўзига хос қизиқиши уйғотади, чунки унинг таҳлили пенитенциар муассасада маҳкумларни радикалашувдан қайтаришнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, маҳкумлар орасида радикал ислом тарафдорлари билан пенитенциар ишлар тўғрисида сўз кетганда, шуни таъкидлаш керакки, хорижий амалиётда улар онгидаги зўравонлик дунёда тартиб тиклашнинг ягона усули экани ҳақидаги фикрларни маърифий диний ақидалар асосида ўзгаришига катта аҳамият берилмоқда.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бузғунчи мафкураларга қарши самарали курашиш учун инсон рухияти ва шуурига оид фанларни чуқурроқ ўрганиш, жумладан, маълум бир шахснинг радикал гурухларга қўшилиб қилишига сабаб бўлувчи шароитларни таҳлил қилиш талаб этилади. Мазкур иллатга, ҳозирча, аниқ бир ташхис қўйилмагани сабабидан, унинг даволаш учун зарур бўлган чораларнинг тўлиқ тўплами хам мавжуд эмас. Бугунги кунда мазкур муаммога қарши кўпроқ тергов органлари даражасида, яъни шахс, жамиятга тўғридан-тўғри таҳдид сола бошлагандагина кураш олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда асосий долзарб вазифа – шахсни мазкур ҳолатга тушмаслиги радикалашувдан қайтариш жиноий гурухларга ёлловчилар ва ёт ғоялар таъсири профилактикасида дерадикализмнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, терроризм ва экстремизм мафкурасининг олдини олиш бўйича хукукий

нормаларни ислоҳ этиш, танқидий фикрлаш кўнникмаларини ривожлантириш, профилактика чораларини амалга оширувчиларга бўлган ишончни ошириш, очик муҳокама ва мунозараларни рағбатлантириш, тадбирларга мустақил жамоат арбоблари ва фуқаролик жамияти вакилларини жалб килиш, шу жиҳатдан ёшлиарнинг ўзлигини англаши, сиёсий-ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун уларга қулай ва замонвий шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Global Terrorism Index 2023. <https://www.economicsandpeace.org/reports/>
4. Противодействие идеологии терроризма: концепции и адресная профилактика. Материалы Всероссийской научно-практической конференции (г. Уфа, 6 июня 2019 г.)
5. Вопросы профилактики радикализма в молодежной среде. <https://golyanovo.mos.ru/law-enforcement-and-security/countering-extremism/detail/4249778.html>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” конуни. <https://lex.uz/docs/3841957>
7. Стратегии Конгресса по борьбе с радикализацией. Предупреждение радикализации и проявлений ненависти на местном уровне // URL: <https://rm.coe.int/1680719e1c>, 20.10.2015.
8. Rehman B.Z. Worry grows as ‘Islamic State’ recruiting focuses on educated youth // URL: [https://www.central.asia-news.com/uz-Cyril/articles/cnmi\\_ca/features/2019/05/10/feature-01](https://www.central.asia-news.com/uz-Cyril/articles/cnmi_ca/features/2019/05/10/feature-01),
9. Back on track, preventing radicalization among prison inmates. URL: <http://www.cep-probation.org/backon-track> (дата обращения: 03.03.2017).
10. Ministry of Refugee, Immigration and Integration Affairs of Denmark: The challenge of extremism //
11. Examples of deradicalisation and disengagement programmes in the EU. Copenhague, 2010. October. URL:
12. [www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010\\_Challenge\\_Extremisme\\_Deradicalisation\\_EU\\_Eng.pdf](http://www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010_Challenge_Extremisme_Deradicalisation_EU_Eng.pdf).

13. Дерадикализация Ислама. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://www.mignews.ru/news/society/world/090308\\_233218\\_03753.html/](http://www.mignews.ru/news/society/world/090308_233218_03753.html/)
14. М.А. Яворский. Дерадикализация заключенных в тюрьмах стран Скандинавии. [file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20\(3\).pdf](file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20(3).pdf)
6. Law of the Republic of Uzbekistan “On Combating Extremism”. <https://lex.uz/docs/3841957>
7. Strategii Kongresa po borbe s radicalizatsiey. Preduprejdenie radicalizatsii i proyavleniy nenavisti na mestnom urovne // URL: <https://rm.coe.int/1680719e1c>, 20.10.2015.
8. Rehman B.Z. Worry grows as ‘Islamic State’ recruiting focuses on educated youth // URL: [https://www.central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi\\_ca/features/2019/05/10/feature-01](https://www.central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/05/10/feature-01),
9. Back on track, preventing radicalization among prison inmates. URL: <http://www.cep-probation.org/backon-track> (data processing: 03.03.2017).
10. Ministry of Refugee, Immigration and Integration Affairs of Denmark: The challenge of extremism //
11. Examples of deradicalisation and disengagement programs in the EU. Copenhagen, 2010. October. URL: [www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010\\_Challenge\\_Extremisme\\_Deradicalisation\\_EU\\_Eng.pdf](http://www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010_Challenge_Extremisme_Deradicalisation_EU_Eng.pdf).
12. Deradicalisation of Islam. [Electronic resource]. The mode is accessible: [http://www.mignews.ru/news/society/world/090308\\_233218\\_03753.html/](http://www.mignews.ru/news/society/world/090308_233218_03753.html/)
14. Yavorsky M. Deradicalisation zaklyuchennyx v tyurmax stran Skandinavii. [file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20\(3\).pdf](file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20(3).pdf)

## REFERENCES

1. Decree of the President of Uzbekistan on the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis and the people of Uzbekistan. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Global Terrorism Index 2023. <https://www.economicsandpeace.org/reports/>
4. Protivodeystvie ideologii terrorism: concept and address prevention. Materialy Vserossiyskoy nauchno-prakticheskoy konferencii (Ufa, June 6, 2019)
5. The question of prevention of radicalism in the youth environment. <https://golyanovo.mos.ru/law-enforcement-and-security/countering-extremism/detail/4249778.html>
6. Law of the Republic of Uzbekistan “On Combating Extremism”. <https://lex.uz/docs/3841957>
7. Strategii Kongresa po borbe s radicalizatsiey. Preduprejdenie radicalizatsii i proyavleniy nenavisti na mestnom urovne // URL: <https://rm.coe.int/1680719e1c>, 20.10.2015.
8. Rehman B.Z. Worry grows as ‘Islamic State’ recruiting focuses on educated youth // URL: [https://www.central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi\\_ca/features/2019/05/10/feature-01](https://www.central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/05/10/feature-01),
9. Back on track, preventing radicalization among prison inmates. URL: <http://www.cep-probation.org/backon-track> (data processing: 03.03.2017).
10. Ministry of Refugee, Immigration and Integration Affairs of Denmark: The challenge of extremism //
11. Examples of deradicalisation and disengagement programs in the EU. Copenhagen, 2010. October. URL: [www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010\\_Challenge\\_Extremisme\\_Deradicalisation\\_EU\\_Eng.pdf](http://www.youthpolicy.org/library/.wp-content/uploads/library/2010_Challenge_Extremisme_Deradicalisation_EU_Eng.pdf).
12. Deradicalisation of Islam. [Electronic resource]. The mode is accessible: [http://www.mignews.ru/news/society/world/090308\\_233218\\_03753.html/](http://www.mignews.ru/news/society/world/090308_233218_03753.html/)
14. Yavorsky M. Deradicalisation zaklyuchennyx v tyurmax stran Skandinavii. [file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20\(3\).pdf](file:///C:/Users/PR1/Downloads/deradikalizatsiya-zaklyuchenn-h-v-tyurmah-stran-skandinavii1%20(3).pdf)



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.